

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

ХАЛҚ СЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

10 ИЮЛЬ, ШАНБА

№ 134 (629).
1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ҲАМКОРЛИК—ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАРОВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИККИНЧИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли раис жаноблар!

Хурматли Бош котиб жаноблар!

Хурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аваламбор ушбу олий

минбардан дўстимиз Су-

лаймон Демирал жаноби

олийларини Туркия Рес-

публикаси Президенти этиб

сайлагани билан яна бир

бор чин қабилдан табрик-

лаб, биродаримизга узоқ

умр, сийҳат-саломатлик ти-

лайман, турк халқи рави-

яни ва халқларимиз ўртаси-

даги дўстлик ришталарини

янада мустаҳкамлаш йўли-

да кўрсатётган улкан хиз-

матлари учун самийи мин-

натдорчилигини билдира-

ман. Биз Тансу Чиллар жан-

ноби олийларини ҳам Бош

вазир этиб сайлаганликлар

билан табриклаб, халқла-

римизнинг бахт-саодати ри-

вожига қўшадиган ҳиссала-

рига умид билдириб, масъ-

улиятини вазифини адо этишда

содлиқ ва омад тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб,

Иқтисодий Ҳамкорлик Таш-

килотиди давлатлари раҳбар-

ларини қўллашга ҳамда асо-

сий мақсад — тараққиёт ва

равнақимиз йўлида амалга

ошириладиган ҳамкорликка

самарадорлик тилашга рух-

сат берайиз.

Биз Иқтисодий Ҳамкорлик

Ташкилотиди давлатлари раҳ-

барларининг олий даражада-

ги иккинчи учрашувини

ўтказиш учун қилинган

катта таъбирарлик ишлари-

ни юқори баҳолаймиз ва

Туркия Республикаси Пре-

зиденти жаноби олийларига

ва Туркия ҳукуматида кўр-

сатилган меҳмондўстлик

учун ўз миннатдорчилигини

изҳор этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва

жаноблар!

Азиз биродарлар!

Жаҳон янги даврга кирди.

Давлатлар ва халқлар ўр-

ташиб ўзаро боғлиқликни,

ҳамкорликнинг қисқалиб

боғиш ушбу даврнинг ўзига

хос хусусиятидир. Луида

қилиб айтганда, кенг қам-

ровли интерграция ҳозирги



СУРАТЛАРДА: аэропортдаги учрашувдан лавҳалар. (ЎЗА).

лиқ ташкилотининг 2000 йилгача ва ундан кейинги истиқболи ва асосий йўналишлари ҳақидаги тайёрланган Истанбул декларацияси лойиҳаси бизнинг фикримизча, Кўйта ҳаракати режалари негизини ва умумий руҳига мос келади.

Бугун ҳамкорлик таркибида бирлашган ва шу минтақада жойлашган 10 қўшни давлат — тарихи, маданияти, дини, тили, тақдирини яқин бўлган халқларнинг бирлашган куч-ғайратларини биллаштириб, бой имкониятларини ўзаро манфаатли тарзда ўзлаштириб, бир-бирини қўллаб-қувватламасак, иқтисодий манфаатдорликни қўллаб-қувватлаш устуни қўймасак, бу ерда йўналиб, мажлис қилиб, оғзаб бўлиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ.

Иккинчи ҳамда учинчи умумий шарт, бу — транспорт ва коммуникациялар муаммоси. Ўзаро коммуникацияларини боғлашдан бошқа соҳаларга ўтиш ҳеч қачон самара беролмайди. Коммуникациялар дегадга мен автобил, темирйўл, ҳаво йўллари билан, балки ўзаро маънавий-маданий алоқалар ривожини ҳам тушунаман. Бунда телевизион, радио ва замонавий, ер кўрасини бошқа минтақалари билан боғлайдиган космик алоқаларнинг ўрни жуда катта.

Айтилган Ўзбекистонни Покистон билан боғлаш учун Афғонистондаги аҳоли тўсиқ бўлиб турса бизнинг энг юқсак озуларимиз, эгзу суларимиз ва баёнотларимиз шушунча қорозда қолиб кетаверди.

Агар орамиздаги шундай тўсиқ ва гавларини бартараф этмасак, олға силишиш бўлмайди. Ҳамкорлик, масаладошлик бўлмайди. Биз, Ўзбекистон вакиллари, бугун қабул этилажак

декларацияда коммуникацияларга бўлган муносабатни тула қўллаб-қувватлаймиз. Биз барча оқилона лойиҳаларни амалга оширишда ҳалол ва мардона шериклик қилишга тайёриймиз.

«Ҳаракат бор жойда баракат бор», деб гапирармиз. Шундай экан, бу сайёҳаракатлар ҳаммамиздан баробар чиқиши зарур. Мен шахсан сиз, муҳтарам давлат бошлиқларини ана шунга даъват этаман.

Учинчи муҳим шартнинг мазмунини шуки, биз ўзаро алоқа боғлашимиз мумкин, турли муҳим ва тўғри ҳужжатларни имзолашимиз мумкин, аммо молиявий, банк-кредит ташкилотлари ишини йўлга қўймасдан туриб, яхши натижага эришиб бўлмайди. Энг кучли миялий банклар, ҳалқаро банклар, хусусан, Осиё банки, Ислон банки, Европадаги йирик банклар ердан бермаса, биз берган баёнотларини, биз амалга оширмаганини истаган лойиҳаларини жонланттириш қийин.

Тўртинчи шартга кўра, ишимизни тез суратлар билан ривожлантиришнинг асосини, ўзаро амалий фаолият шаклини топишимиз зарур. Бизнинг фикримизча, ҳаммамиз бирлашиб, Истанбул декларацияси лойиҳасида кўрсатилган махсус техник-иқтисодий асослар фондиди қаторида ҳамкорлик фондиди тасвир этиш ҳақида ўйлашимиз керак. Ҳар бир давлат шу масалага доир тақлифини берсин. Шубҳа йўқки, бундай фонд барча учун бирдек фойдали бўлади.

Ўзаро Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — хайрия жамияти эмас. Ўнга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат энг аввало ўз халқининг келажаги ва манфаатини кўзлаб иш юртади. Шу нуқта назардан қараганда, ўзаро инвестиция фонди 2000 йилгача қўзда тутилган ўзаро манфаатли улкан лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ва амалга оширишга кўмак бўлади.

Биз бир муҳим масала. Иқтисодий ҳамкорликнинг шартларидан бири ўзаро маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашдан нобаратдир. Агар ўзи мамлакат халқларини бир-бирининг ҳаётини қанчалик кўп хабардор бўлса, миллат намоёндалари ўзаро борди-келиди қилсалар, муҳтарам ва иш одамларининг ўзаро қатновни ҳам шунчалик кўпаяди.

Яна таъкидлаб айтман, халқларимиз маданият ва дин-иймон борасида бир-бирларини қанчалик яхши тушунасalar, иқтисодий алоқаларимиз ҳам шунчалик тез ривож топади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Биз бугун жуда яхши ниятлар билан яшаймиз. Шундай буюк тарихига ва маданиятга эга бўлган халқларимиз энг яхши тақдирга муносиб эканини ҳаммамиз тушунашимиз. Эгзу озуларимиз амалга ошмоғи учун нафақат муайян вақт, балки тинч ва оқилона вазият ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Минтақада тинчлик барқарор бўлмаса, биз тузган энг буюк лойиҳалар ва дил-

даги эгзу ниятлар амалга ошмай қолиши мумкин. Ҳозир бизни энг қаттиқ ташвишга солаётган нарсаси — Афғонистондаги аҳоли, у ердаги вазиятнинг беқарор ва нотинч экани.

Биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқчи эмасмиз. Ниятимиз жуда ҳолис — қардош Афғонистон халқи тинч бўлса, биродарларимиз ўзаро сулҳ топиб, тезроқ тинч меҳнатга ўтсalar, деб орзу қиламиз.

Қўшни Афғонистондаги ўзаро муҳолиф кучларни яраштиришга, афғон халқини тезроқ тинч меҳнатга жалб этишга ҳар биримиз баҳоли-қудрат уриниб кўришимиз керак.

Шу мақсадда биз ташаббус кўрсатиб, қўшни давлатлар ўзаро муҳолиф кучлар вакиллари шун ерда йиғилган давлатлар ва манфаатдор халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари иштирокида Тошкент шаҳрида музокаралар учун йиғилишларини таклиф этадиган.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Мажлисимизда ҳозир бўлган вакиллар ўзаро тил топиб, бўлажак зўр ҳамкорлик учун катта йўл очадилар, дея умид билдиришга рухсат этгайсизлар.

Қудратимиз — дўстликда, деган халқ нақли бор. Ташкилотимиз ҳақиқий тинчлик ва дўстлик бўстони таянчига айланишига ишонаман. Мана шу олижаноб мақсад йўлида ҳаммамизга сийҳат-саломатлик, куч-қувват ва омад тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ VI МАЖЛИСИ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМ КАРИМОВГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам Ислон Абду-

ганиевич!

Биз, Ўзбекистон Касаба

уюшмалари федерацияси

кеңгаши олтинчи мажлиси-

нинг қатнашчилари республи-

кадаги 7,5 миллиондан ор-

тин касаба уюшмалари аъзо-

ларининг фикрини ифодалаб,

сиёсий барбарорликни мус-

таҳкамлаш, фуқаролар-иқо-

лиги ва миллий товулини

таъминлаш, халқ турмуш

даражасини ошириш юзаси-

дан Сиз эълон қилган йўл-

ни тўла-тўқис маъқулла-

шимиз ва қўллаб-қувватла-

шимизни билдирамиз.

Республиканинг бозор иқ-

тисодиётига ўтишининг Сиз

ишлаб чиққан бешта асо-

сий принциплари, унда белги-

лаб берилган устуворлик-

лар илмий-техникавий жи-

ҳатдан асосланган бўлиб,

айни пайтда халқнинг ру-

ҳиятини, унинг кўп асрик

тарихини, маънавий ва ма-

даний анъаналарини тўла-

тўқис ўз ичига олади. Эр-

танги кунга ишонч вазияти,

қонуён тантанаси, давлати-

миз учун ҳос бўлган кучли

ижтимоий сийҳат Ўзбеки-

стон мустақиллигини мустаҳ-

камлашнинг, жаҳон ҳамма-

иятида унинг омураъзи-

борини оширишнинг пухта

пайдевори эканига ишончи-

миз қисқилди.

Ислон Абдуганиевич, рес-

публика халқлари буларнинг

ҳаммасини Сизнинг номини-

гиз билан боғламоқда. Сиз-

ни республикада барча

фуқароларга оқилона, ин-

сон-омонлиқ, муносиб тур-

муш тарзини таъминлаш

лозим бўлган ижобий ўза-

ришларнинг пухта қафола-

ти, деб билимоқда.

Ўзбекистон касаба уюш-

малари Сиз ва республика

хукумати иқтисодий исло-

хотларни чуқурлаштириш,

аҳолини ижтимоий ҳиссо-

миллионлаб одамларнинг

асстойдил эътирофи ва ҳур-

матига сазовор бўлди.

Олий инсонпарварлик

мақсадларининг, умумбаш-

арий қадриятларнинг устувор-

лиги, жисмоний ва маъна-

вий соғлом авлоднинг тар-

биялаш, давлат оқилона-

лиги ва тўла-йўналиши —

Сиз амалга ошираётган ўз-

гартчиларнинг пайравар

мақсадларидир. Ислон Аб-

дуганиевич, белгиланган ре-

жаларнинг тезроқ амалга

оширилиши учун масъули-

ятини касаба уюшмалари

ташкилотлари ҳам тўла-тў-

қис қисб этади.

Сизнинг 1993 йил 29

июнда Ўзбекистон Касаба

уюшмалари федерацияси

кеңгаши ва республика тар-

моқ бирлашмалари раҳбар-

лари билан учрашувингиз,

ислохотлар қандай бораёт-

ганини батафсил таҳлил қи-

либ берганингиз фаолияти-

мизни яна бир бор даҳли-

қиб, меҳнаткашларга таъсир

ўтказишнинг мавжуд имко-

нияларини ҳали ҳам тўла

ишта солаётганимизни, бе-

рилган ҳуқуқлардан ҳақиқа-

ти ҳам самарали фойдала-

наганимизни аниқлаб оли-

шимизга ишонч қиламиз.

Ўзбекистон Касаба уюш-

малари федерацияси кең-

гаши олтинчи мажлиси

қатнашчилари

Тошкент шаҳри,

1993 йил 7 июль.

(Давомий 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БАРТЕР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БУЙИЧА
ТАРТИБ БУЗИЛИШЛАРИ ВА СУНИСТЕЪМОЛЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозоридида аҳолини урганиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги рўйхатга олган амалдаги бартер шартномаларини таҳлил этиш товар айирбошлаш операциялари асосида етказиб берилётган ва харид қилинаётган товарларнинг қиймат жиҳатдан тенглиги қўпол равишда бузилаётганлигини далилат беради. Кўпгина ҳолларда Ўзбекистондан етказиб берилётган стратегик маҳсулот ва хомаш: пахта, толаси, рангли металллар, азот ва фосфат ўғитларининг нархи яширинча арзонлаштирилганлиги ҳисобига республикага гиламлар, ситартеллар, спиртли ичимликлар ва шу сингари моллар оширилган нархда олиб келинмоқда.

Бундай бартер операцияларини амалга оширишда

ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг манфаатдорлиги уларнинг солиқларини тўлашдан ўзларини четга олиш, баъзан валютада олтишган фойдаланиб бир қисmini яшириш, жулмадан, қонуни бузиб, Ўзбекистон иқтисодиёти, корхона ва ҳўжалик меҳнат жамоасининг манфаатларига зиён етказган ҳолда энг кўп фойда олиш истаги билан ҳам рағбатлантирилмоқда.

Булариинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг экспорт хомаш заҳираларидан ноқилона фойдаланишга, ташқи бозорларда уларнинг нархи кескин пасайишига, республикага валюта тушушлари чекланишига ва жиддий сунистеъмолликларга олиб келади.

Юқориди баён этилганлар муносабати билан:

1. 1993 йилнинг 16 июли-

дан валютасиз асосда экспорт-импорт бартер операцияларини амалга ошириш учун шартномаларни тузиш тақиқлансин.

2. Айрим ҳолларда, нефтини қайта ишлаш маҳсулотига, бинокорлик материаллари ва ёғоч-тахтага истеъмолчиларнинг қондирини мақсадида уларни солиқ солинадиган бартер шартномалар буйича олиб келишга йўл қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:

Ўн кун муддат ичнда бартер операцияларини буйича республикага олиб келинадиган товарлар ва маҳсулот рўйхатини аниқласин. Улар

нозасидан шартномалар тузиш тартибини ва бажарилиши буйича назоратни белгиласин.

Ўн кун ичнда амалдаги бартер шартномаларини тугаллаш тартибини белгиласин;

бир ой муддат давомида ҳукуматнинг илгари қабул қилинган қарорларини ушбу фармонга мувофиқлаштирсин.

4. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кеңгаши, пилотлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликларининг раҳбарлари мазкур Фармон қондалари оғишмай бажарилишини таъминловчи зарур чоралар кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1993 йил 9 июль.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚДИ

БУХОРО. «Омега-Фур» қўшма
корхонаси маҳсулотлари хорижда
ҳам шуҳрат топди.

Ушша пайтда

Жаҳон 24 соат ичида

Кеча Токиодаги «Ана-сана» саройида АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония, шунингдек, ҳозир Европа ҳамжамаида раислик қилувчи Болига давлат ва ҳукумат бошқаларининг учрашуви очилди.

Уч кунлик учрашувда муҳомада қилинадиган сиёсий мавзулар орасида ядро қуроли ва бошқа турдаги қуролларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, минтақаий можабиларнинг бартараф этиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мустақамлаш масалалари, иқтисодий мавзулар орасида ялпи иқтисодий юксалишнинг таъминлаш, Россиядаги ва бошқа соёқ Социалистик мамлакатлардаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, ривожланиётган мамлакатларга ёрдам бериш ва жаҳон миқёсида афрод муҳитининг бўғалишига қарши кураш муаммолари бор.

Жаҳондаги етакчи сие-сатланган бўлган Биллик анжуманлари 1975 йилдан буён етти мамлакатдан ҳар бирида галла-гал ўтказилмоқда, бу галли 19-кена-гаш Япония пойтахтида бўлган.

Япониянинг Канавава префектурасида жойлашган Аморикининг Дамма ҳар-бий базасининг номалум шахслар ўққа тутишди.
Япониядаги АҚШ қуроли кучларининг жамоатчи-лик билан алоқа қилувчи шўба-си ахборотида айтили-шича, номалум шахслар базага бешта ёки олтига ракета отишди. Аммо одам-лар ноуд бўлмади, моддий эиён етмади.

Япония полицияси бу иш-да «еттилар» рақбарларининг Токиода очилган кен-гашига қарши ирозилик билдираётган ўта сул ашад-дий гуруҳларнинг қўли бор, деб гумон қилмоқда.

Хитой ҳукумати жин уч-беш йил ичида мамлакат-нинг 13 мингтадан кўпроқ йиринк савиёсига қўриқ-мас бозор ривожланти-риш олдидан бўлини учун уларнинг феолиятини қай-та қуриш чоралари маж-мукин амалга оширишга қарор қилди.

ХХР иқтисодиёт ва савдо ишлари давлат комитети раисининг ўринбосари Чен-Цинтайнинг бу ерда чо-шанба кунга айтилишча, ма-ҳаллий ҳокимиятларнинг иштироки билан ҳар бир қорхонанинг ҳусусиятини эътиборга олиб, ушн ислох қилишнинг аниқ-равшан ре-жаларини ишлаб чиқишга киришилди.

Ироқнинг ракета обь-ектларини қузатувчи ка-мераларни жойлаштириш тўғрисидаги БМТ талаб-лари ҳусусида қиқин таг-лик ҳал этилмас, Ироқ қурул-арларини назорат қилиш ишида БМТ билан ҳар қандай ҳамкорлиқни тўхтатиб қўйди, деди се-шанба кунги Ироқ парла-ментининг раис Савид Махди Салех.

БМТ мухтаассислари гу-руҳи Ироқ ракета техникаси ишлаб чиқаришни яна бош-ламаслигида ишчи ҳосил қилиш учун унинг иккита ракета нишоотида камера-лар жойлаштиришни Ироқ маъмуридан талаб қил-ган эди. Бағдод бунга ижо-зат бермади. БМТ эса бу-ни Хафсизлик Кенгаши қарорларини севосида бузиш деб баҳолади.

Мингга қичи Ироқлик ишлар Саддам Хусейн қишларининг таъкиботи-да қочиб, Жанубий Ироқ-даги истикомат жойлари-ни тарк этди ва Эронга ўтиб кетиш умидида шу мамлакат чегараси ёнида тўпланиб қолди.
Франс Пресс ахборот ма-камасининг хабар қилиши-ча, ҳозир қочқинлар Эрон-нинг Жанубий-гарбидagi Химнат деган чегара пунк-ти яқинида Эронга ўтқи тикиб турибди.

Ироқ ҳали ҳам Қувейтга завоф солиб турибди, деди Амрта ташриф бўюрган Ироқлик ахборот аазари Шаб Сауд Сауд Сауд са-Саб, «Ал Азро» газети-сининг тодилари билан сўзбадга.
Икки мамлакат ўртасида ўтказилган халқаро ҳам-жиянт тасдиқлаган чега-ри чизилган Саддам Ху-сайн режими таш олима-гаилди, Қувейтлик ҳарбий асирлар ва гаровга олинал-кишиларни ушлаб тургани-ги, шунингдек етти оғрик босқин нактида етказилган заар учун Қувейтга тонон-тўлашдан бош тўхтаган-лиги бунинг далилидир. Бундан ташқари Бағдод Қу-вайтга «Ироқнинг 19-йило-нги» деб даъво қилиб, душ-манлик ташкилот-тарибго-лининг давом эттиришда, деб таъкидлади у.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ОЛТИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ШАРОИТДА МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНОФААТЛАРИНИ ХИМОЯЛАШ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ Тўғрисида

қўйилмасин;
Аъзо ташкилотлар иши аниқ мувофиқлаштирилсин, суствашликка, яъни иқтисодий муносабатларини тур-мушга жорий этиш масала-ларини ҳал қилишда куза-тувчи бўлиб туришга йўл қўйилмасин;
Марказий Осие, Озарбай-жон ва Қозоғистон Респу-бликалари мувофиқлашти-рувчи кенгашлари доирасида ўзаро муносабатларни, МДХ-да аъзо давлатлар касаб-а уюшмалари марказлари би-лан меҳнаткашларнинг иж-тимоий-иқтисодий манфаат-ларини ҳимоя қилиш, ҳўжа-лик ва маданий алоқаларни мустақамлаш юзасидан аниқ иш шакллари белги-лансин.

7. Касаба уюшмалари фе-дерацияси кенгаши аъзо ташкилотларига бир ой муҳ-лат ичида мажлис ўтказиб, унда республикада исло-хотлар ўтказиладиган шаро-итда меҳнаткашларнинг иж-тимоий-иқтисодий манфаат-ларини ҳимоялаш юзасидан касаб-а уюшмалари фаолият-ини тақомиллаштириш ма-саласини кўриб чиқиш тақ-лиф этилсин.

Ташкилий ишлар бўлими мажлисларни таъйрлаш ва ўтказишда республика тар-моқ ва ҳудудий касаб-а уюш-малари бирлашмаларига амалий ёрдам кўрсатиш, улар ишида федерация кен-гашини аъзоларининг ишти-роки таъминлансин.

8. «Ишонч» газетаси таъ-дирияти махсус рубрика очиб, шу рубрика остида Ўзе-бекистон Президентининг ис-лохот йўлини амалга оши-риш, меҳнаткашларни иқти-моий жиҳатдан ҳимоялаш юзасидан республика касаб-а уюшмаси ташкилотларининг илғор иш тажрибасини ёри-тиб борсин, шу масалага бағишланган махсус сонлар ва саҳифалар чиқаришни тажриба қилсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиб бориш Ўз-бекистон Касаба уюшма-ла-ри федерацияси кенгаш ра-ис Б. Алламуродов ва унинг ўринбосарлари зимма-сига юклатилсин.

• Тарихингиз минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим ФОРТЕПАНИНГ СИРЛАРИ ОЧИЛАДИГАН КУН КЕЛАРМИКАН?

Қишлоғимизда катта-кичик учун сирли Фортепа бу-ларди. Баҳорда чўчумалар чаман бўла бошлаган чоғларда биз, болалар учун Фортепага чиқиб тушиш-дан завқланиб ўқиб йўқ эди.

Уч юз—тўрт юз квадрат метр майдонга ястан баланд-лиги 25—30 метр тепалик-дан бутун қишлоқ қафдаги-дек қўриқиб турарди. Унинг ёнида Қўйлиқ мазор бўлиб, ҳамон «Мозорот» номи би-лан аталарди.

Пахта майдонининг ўрта-сида қилиб кетган Фортепа биз, болалар учун, айниқ-са сирли туоларди. Ке-салар сўзлаб берган турли афсоналар ҳамон қулоқла-рини эстиде жаранглаб турарди. Афсуски, пахта май-донини кенгайтириш маса-лида биз учун қадрдон бў-либ қолган, бир кунмас, бир кун аякда қолиб қелиш-ни болаларга чиқиқшиш ва қўрқув билан кутган сирли Фортепани... 1977 йил фев-раль ойининг охирида бузи-шди. Туни билан тиним билмай ишлаган занкирли тракторлар тепани бир ке-чада қоч қиккига бўлиб таш-лашди. Эрта тонгда тумонат одам азиз тепаликка «Хам-дарлик» учун йиғилишди. Фортепа эса бағрида пин-ҳон сирларни яшира ол-май, қовун палласидек бў-линиб ётарди. Уртада гиш-тин минора ва тепалик-нинг ўзидан қазилган қу-дунинг қатор зиналари қўриқиб турарди. Турли рангли, эритилган металл парчалари сочилаб кетган-ди. Қудунинг ички девона-лига лон билан уриб қў-ришувди, гу-м-тун дегач овоз келди. Демак тағдида қоп-қоп бор, у ёғи бўшлиқ. Ни-ма борлиги эса ҳаммага қоронғу.

Ғиштин минора айланаси 5—6 метрлар бўлиб, учбу-рак шаклидаги пишиқ гиш-дан чиройли қилиб териб чиқилган. Тепалик бароба-рида минора бўлишини ҳеч қим кутмаганди. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳли Фор-тепага жуда қизиқиб қол-ди. Бирок минорани буз-май қолдинларга дейдиган мард топилмади.

Икки-уч кундан сўнг зан-жирли тракторлар Фортепа-ни бордан йўқ қилишди. Уқ ҳам, унинг зиналари ҳам, минора ҳам, яъни та-визини ҳамма ашвидай да-виллари тупроқ тағдида қол-ди. Аммо, қишлоқдаги иш-чи-лар, иродали болалар қишларни ер қағида олиб қолган минорани қон-лаб, қўрилиб бораётган та-рих илдинини очиниша жам этишди. Ака-укалар Оллоёр, Шодиёр, Хўжаёр Умрқо-лар, Ибодулло, Мухамма-ди Алламуродовлар, Ашур-али Сатдинов, Худойёр



СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ. Музбараб туманидаги Али-шер Навоий номи давлат ҳўжалиги боғбонлари аҳоли дастурхонига янги узилган меваларни етказиб беришни ўз олдинлари мақсад қилиб қўйганлар. Айни пайтда шир-ға тўйиниб пишган узумларини ўз вақтида йиғиштириб олиш учун қизгин меҳнат жабҳаси кетмоқда. Мева маҳ-сулотларини ташиб кетиш учун транспортлар басма-бас келиб турибди.

Ҳўжаликда узумзорлар 480 гектар майдонни ташкил этади. Мухтаассисларнинг ҳисоб-китобиға кўра, бу йил олин тоғига қичи тўйиниб, ширин мевалар йиғиштириб олинади.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Улаш Абдурахмонов. У узумларини ортиш ва саралаш ишиға бош-қош бўлмоқда. И. ХўЖАЕВ олган сурат.

«САЙРАМ»—

БИРОДАРЛИК РАМЗИ

КАТТАҚўРҒОН. Амир Те-мур шоҳ қўчасида «Сай-рам» ҳавахонаси очилди. У «Мурдо» ҳусусий қорхонаси-нинг раҳбари Муродхон Ҳо-жижоннинг шахсий жамғар-мас ҳисобидан тикланди. Қўча-вахона ёнида Катта-қўрғон ёшларининг турли тадбирлари ва никоҳ маро-симлари ўтказиладиган «Бахт уйи» ҳам қурилди. Бу ерда ёш келин-қувлар учун махсус дўкон ва ёшлар бо-ғи ҳам барпо этилди.

Мазкур комплексга «Сай-рам» номи берилишининг бо-иси нимада?

...Муродхон Ҳожихонов асли қозғистонлик. Чим-кент вилоятининг Сайрам ту-манидаги Қорабулоқ қишло-ғида воғна етган. У Самар-қандагиди қурилиш-меъморчи-лик институтини битириб, «Мурдо» ҳусусий қорхонаси-нинг раҳбари Муродхон Ҳо-жижоннинг шахсий жамғар-мас ҳисобидан тикланди. Қўча-вахона ёнида Катта-қўрғон ёшларининг турли тадбирлари ва никоҳ маро-симлари ўтказиладиган «Бахт уйи» ҳам қурилди. Бу ерда ёш келин-қувлар учун махсус дўкон ва ёшлар бо-ғи ҳам барпо этилди.

(Давоми, Боши 1-бетда).

Ишловчиларнинг маълум қисмини, шу жумладан, қиш-лоқда ишловчиларни моддий-товар бойликлар ишлаб чи-қариш соҳасида хизмат соҳасига ўтказиш, рента-белли бўлмаган ва қарз олиб ишловчи қорхоналари-ни, айрим тарсоқлардаги, ай-ниқса халқ истаъмоли мо-ллар ишлаб чиқариш соҳа-сидаги монополизмин тут-тиш, эҳтиёжманд фуқаро-ларга давлат ёрдами кўрс-атиш ва уларни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётини та-назууллаш олиб қилишга, одамларнинг боқимандалик қайғайтидан қутилишига, уларда меҳнатга янгича муносабат пайдо бўлишига қаратилган муҳим чоралар ҳисобланади.

Федерация кенгаши Ўз-бекистон Республикаси ҳу-куматининг иқтисодий исло-хотни чуқурлаштириш, аҳо-лини ижтимоий ҳимоялаш шакли ва усулларини сифат жиҳатдан яхшилаш, шу-нингдек, эркин нарх бўйича қўраётган чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди.

Уларни амалга ошириш касаб-а уюшмаларининг бар-ча даржадаги идоралари-ни фаолиятини қайта кўри-б чиқишни ва яхшилаш, бозор иқтисодиёти механиз-мини чуқур ўрганишни ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўлла-рини билиб олишни талаб этади.

Шу билан бирга, Ўзе-бекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши иқти-содий ислохотлар ўткази-ладиган ҳозирги шароитда касаб-а уюшмалари ташки-лотлари меҳнат унвондор-лигини ошириш, меҳнат ин-тизомини мустақамлашдаги мавжуд имкониятлардан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалдаги қонунчилик ҳўқуқ-ларидан тўла фойдаланма-йити, деб ҳисоблайди.

Сайлаб қўйилган барча даражадаги касаб-а уюш-маси идоралари, касаб-а уюш-маси надрлари фаолият-да ижтимоий-иқтисодий ма-салаларини ҳал этишда ис-теъмоличлик нуқтан назар

Мустақиллик—ТАК ДИРИМИЗДА

1. Истиқлол сизнинг тақдирингизда қандай аҳамият касб етмоқда?
2. Мустақиллигимизни мустақамлашга қўшаётган ҳис-самиздан қўнглингиз тўладими?
3. Ўзбекистоннинг нележаним қандай орзу қиласиз?



Абдусалд ЭСИРГАПОВ, Самарқанд вилоятидаги Жўш қишлоқ кенгаши раиса, туман кенгаши депутати.

1. Биринчидан, юртимизда истиқлол бўлмаганда, истиқ-лол берган эркин тафаккур, миллий ўзлигини аниқлаш тўй-гуларининг таъдирий тақо-мин юз бермаганда ҳозир мен ушбу кенгаш раислиги лавазимиде ўтирмасдим. Қо-лаверса, мустақил юртимиз-нинг бутуни, эртаси мен ва менга ўхшашларнинг тақдирин билан уйқаш, уйғундир. Тақ-дирларнинг тақдирлар билан муқобиллиги ва муқассам-лиги тугун бир толега муясс-сар этгай, мушқудларини осон қилиб, тилакларнинг ижобат бўлишиға кўмаклаштай. Биз бунини қўндалик ҳаётимиздан

2. Ҳали қўнглим тўлган эмас. Илоҳим, тўлмасин ҳам. Инсон ўз қилган ишидан қони-қиши мумкин, аммо қўн-гли тўлишини мен юртга хиз-мат қилишдан чарчас деб тушунаман. Мен нафақат раис, қишлоқ ва туман ке-нгашлари депутати сифатида ҳам шу элга хизмат қи-лишим керак. Бугунги иқтисо-дий мураккабликлар даври-да Президентимиз йўлини ту-тиш одамларини ижтимоий муҳофаазааш биринчи гал-даги вазирамиз бўлиши ке-рак. Биз ҳўжалик раҳбарла-рин билан ҳамкорликда ана шу тугунини тутганим.

3. Юртбошимизнинг айт-ган гапларини тасбеҳ қай-таргандек, такрорлаб юра-ман: «Ўзбекистон — кела-жаги буюк давлат».

Ҳаммамизни ўша кунлар-га етказсин, илоийм!

ДАВР РУҲИГА ҲАМОҲАНГ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ «ОЛТИН ВОДИЙ» ВА «ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИ 75 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

Дониёр ЭРҒАШЕВ, Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Олтин водий» муҳаррири:

— Газетамиз «Эл байро-ғи», «Халқ газети», «Садон Фарғона», «Янги Фарғона» номи-лари билан аталган. 1938 йилдан 1991 йилгача эса у муштарийларга «Комму-на» номи билан етказиб бе-рилди. Қўллаб меҳнаткаш-ларнинг талаб ва истақлари инобатга олиниб, ўтган йил-дан буён «Олтин водий» но-ми билан чоп этилмоқда.

Газетамизнинг дастлабки саҳифаларида Абдулла Қо-дирий ва Чўлпон, Ҳамза Ҳа-кимзода Нибзий ва Сўфизо-да, Собир Абдулла ва Усмон Носир, Чархйи ва Амин Умар-ий каби маданиятими, адабиётими ва санъатими-нинг ҳамиша барқарор сий-молари руҳининг муқаддас изларини кўрайм.

Газета тарихи бевосита вилоят, фарғоналиклар та-рихи билан чамбарчас боғ-лиқдир. Катта Фарғона ка-нали қурилиши, Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши, нафақат вилоятнинг, балки мустақил давлатимизнинг индустриал қон томирлари бўлган «Азот» ишлаб-чиқ-ариш биришмаси, «Фарғона нефтини қайта ишлаш» би-рлашмаси, «Атлас» бириш-маси, Марғилон ипак комби-нати, Фарғона тўқимачилик, Қўқон пайпоқ тўқув-иш йи-ғирув, Кува дон маҳсулот-лари, Қувасой цемент ком-бинатлари, қўйғилик, бошқа ўғлаб индустриал гигантлар-нинг бунёдга келишида га-зетанинг ўзига хос ўрни ва ролн бор.

Иқидий жамоавиз вило-ятнинг сиесий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва маъ-навий ҳаётида фаол қатнаш-моқда. Шу туфайли газета-мизнинг нуфузи, маъкеи мизининг нуфузи, маъкен ошиб борапти. Миллий қадриятла-римиз ва анъаналаримизни тиклаш, ривожлантириш мақ-садида 14 етимнинг хатия тўйини ўтказишнинг редакция ўз зиммасига олди. Бу хайрли анъана ҳозирги кун-да нафақат вилоятта, бал-ки бутун жумҳурията ёйил-ди.

«Олтин водий» ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг мил-лий истиқлол мафқураси, айниқса, Президентимиз ўт-казайётган сиесатни изчил тарғиб ва ташвиқот қилиш,

кенг халқ оммасига еткази-шини биринчи навбатдаги вазифа қилиб белгилан ол-ган. Президент Фармонлари-нинг бақарилишини таъ-минлаш тўғрисидаги мақо-лалар, мунозаралар газе-танинг ҳар кунги саҳифа-сида урин олади, десак мубо-лага бўлмайди. Бугунги бо-зур иқтисодиётни шароитида тадбиркор, ишбилармон, меҳнат аҳлини қўллашга, кам таъминланган аҳолини вақтинчалик қийинчиликлар-дан муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз.

Иван КОСТИН, Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган жур-налист, «Ферганская прав-да» муҳаррири:

— Газетамизнинг нафақат Фарғона вилоятида, балки мустақил Ўзбекистон мат-буети тарихида ўзига хос ўрни бор, десак, янглишмай-миз. Газета эртақларда таърифлангандай, шу афсо-навий, ғўзал ва мафтункор ўлканинг янгича чирой очиб, гуллаб-яшнаши, минг-миг-лаб фарғоналиклар меҳна-ти, ижоди, тарихи ва тақ-дир билан ҳамоҳанглиги бизнинг дилларимизга ғу-рур ва қувонч бағишлайди. Бу юксалиш, тараққиёт йу-лини эса матбуотиси, газе-тасиз тасаввур этиш қийин.

«Ферганская правда» Фар-ғона воҳасида зиндиатли ниқиллобдан анча илгари, 1917 йилнинг 1 июнидан чоп этила бошлаган. Даст-лаб «Знамя свободы», «Шит народ», «Известия», «Про-летарская мисль», «Знамя труда», «Ферганская прав-да» номи-лари билан нашр этилган.

Газета биринчи навбатда вилоят ишчиларининг, меҳ-наткашларининг демократик ўзгаришлар, адолатли ту-зуш тузиш тўғрисидаги ҳа-ракат ва йўлларини йочил ўтказиб келмоқда. Маъбуот-ининг қайноқ сўзи орқали жамяиятдаги қийинчиликлар-ни ечиб ўтишда, одамлар-ни маърифатли, маданият-ли, адолатли бўлишда ан-гайин ердами ва маслахат-чи бўлиб қолмоқда.

«Ферганская правда»нинг бош мавзу — меҳнаткаш-лар ўртасида дўстлик, бай-наимилалчилик ва натав-парварлик тарбиясини ёри-тишдан иборат бўлган, де-мас муболага бўлмайди. Биз узок йиллар мобайнида мил-латларнинг шаклланган анъ-аналарини давом эттириш тарафдори, тарғиботчиси бў-либ келдик. Ҳозир ҳам фарғоналикларнинг Ивано-во тўқимачилари, Санит-Петебурдаги йирин маши-нотлик заводи, Челябинск металлургияли билан ҳамда Қирғизистоннинг Ўш-Жалол-обод, Токинистоннинг Ленин-обод меҳнаткашлари билан

«Халқ сўзи» муҳбири Набижон СОБИР ёзиб олади.

Ҳар икки газета иқидий жамоасини, муштарийларини «Халқ сўзи» жамоаси номи-дан қизини ва сиймийи му-борқибод этамиз.

Инсон қарздор инсон олдида

Нормурод Нарзуллаевнинг кини китоби «Суюқчи» нашр этилишига ўттиз йилдан ошди. Утган давр ичда унинг йигирмага яқин тўплами чоп этилди.

Нормурод Нарзуллаев Нарзул таваллуси билан қўшиқчи-экс-шоир сифатида ҳам эл назарига тушган. Шу кунларда у қўшиқларини «Чаман ира» номи остида алоҳида китобга жам қилиб, нашрга тайёрлади.



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

ОҚҚАН ДАРЕ ОҚАДИ...

(Мустақилликка бағишлов)

Истиқлол субҳидамин шободаси барқарор,
Минг шукрим, табаррук ўзбеки тупроғида.
Хумо қуши — бахт қуши бошга қўймиш сериқор,
Дунё кетмас давлатдир юрагим ардоғида.

Миллат бўлиб қайтди-эй йўқотган маржонларим,
Қўзғунчоғим келтирди мангуликни тилимга.
Тилло бошлар тирилди, уйғонди виждонларим,
Туморларим айланган эътиқоду динимга.

Муборак зияратгоҳ Макка билан Мадина,
Муслмон дунёси бор талпинмаж таъвофга.
Имонга илос қўйиб, кини йўл олса мардона,
Қўнгли соф, равшан бўлур, у қолажак савобга.

Мовароуннаҳр ери — аждодларим шуури,
Дона Шарқда бу олам келаверсин таъзинга.
Асрий замин нидоси — чинорларим тоғири,
Таъдир каён туташдир тарихига, назимига.

Жаҳон таниди юртим, БМТнинг томида
Ҳилларар мағрур бутун Ўзбекистон байроғи.
Элчиларимиз сўзлар ҳур Ватаним номидан —
Мўътабар ийибарлардан бўлиб кўзин қароғи.

Ўлкамизда кезмоқда Мустақиллик нафаси,
Янги ҳаётга асос — кўкракда эл нисони.

Минибулоқ фаввораси — халқимнинг насибаси,
Ризқи бутун ўзбекини, Оллоҳ таоло аҳсони!
Ниятлар холис бўлсин, бу — ярни давлат, ўртоқ,
Сўнмас Умид, Муҳаббат, Ёнса юракда ёнғин.

Бўлсак инсофли, тоғфиқ, оқибатли, дўст, яноқ,
Аймайди табиат саховатни, борлиғини.

Бру кўк мурувати, чин инсоний шафоат,
Ў, айласа қанқийди умриниқини мунаввар?
Муқаддас бу кунларга кини беради қафолат,
Тахлиқда олам ҳам, аждаҳодир хавф-хатар...

Кезиб исил самайдор оловли манзилларни
Етти йилм саломни келтирмаж кабутар.
Карвонлар қўнғироти уйғотмаж алларни,
Буюк Ипак йўли ҳам тикланаж муқаррар!

Оққан дарё оқади, ўзинини йўқотмас,
Учрашайлик сафарда бўлиб тўрт мучал тугал.
Насли насаби тоза ўзлигига ўқ отмас,
Бир-бирини авайлаб, бағрига олғай ҳар гал.

Асрар Рух, фаришталар бўлса инсон пом, ҳалоқ,
Иншооллоҳ, сиёлагай Тақдир таъбири бизни.
Ўзбекининг мард ўғли бор, элнинг бахти — Оқсоқол,
Қўлласин Илом Қарим, тахто Тангримиз Сизни!

ЯККАБОҒНИ БИР БОҒ ДЕМАНГ...

Дўстим Маҳмуд БЕКМУРОД ўғлига

Қадим Қашқа воҳасининг Яккабоғи бор,
Яккабоғни бир боғ деманг, минг чорбоғи бор.

Эй, азизлар, хуш келибсиз жаннат маконга,
Сайр этангиз, дилни тортар гул кучоғи бор.

Ўзбекистон — келажакни улур дийдор,
Ўз дили бор, ўз йўли бор, ҳур байроғи бор.

Мен — ўзбекман, миллатим ёр, кўнглида Ватан,
Йўллар ойдни, қалблар ёққан нуру, чароғи бор.

Кўкдан қуёш нур тўшайди, гуллар ноёндоз,
Тўрт фаслида меҳмон кутар, дўст, ўртоғи бор.

Меҳнат билан шукрат тоғди, обрў, эътибор,
Қўлларини гул, эли зарғар, зар тупроғи бор.

Амир Темур бобом руҳи мадждор бизга,
Оламаро майзур, фозил кўз қароғи бор.

Яккабоғим, она юртим, кўнглим гавҳарим,
Кўз тегмағай жамолдига, кўзгунчоғи бор!

ДўСТ-ЕР БУЛАК, АҒЁР БУЛАК

Таяқ асли кўҳна жаҳон,
Эйна-ёндир ахши, ёмон.

Бўл оламда азиз инсон.

Дўст-ер бўлак, ағёр бўлак.

Аланга асос учқун,
Ханжарига ярашар қин,

Зор ингратар хоин, сотқин.

Вотир бўлак, хушхор бўлак.

Ироқ бўлсин хорлик, зўрлик.

Оқдамаслик тузин — кўрлик.

Иўқолмасин оғзи бирлик.

Чин мард бўлак, бадкор бўлак.

Тарк этмасин ифбат, ҳаё,

Нур, гул билан ҳаёт зебо,

Муҳаббатсиз биркам дунё.

Дилдор бўлак, мурдор бўлак.

Оқибатга муҳтож олам,

Меҳр билан бардам одам,

Парвоз қилса қавотда ҳам

Калхат бўлак, шунқор бўлак.

Гул умрини қўшиқ безар,

Хуштор дилни кўнгли сезар,

Нарзи қалби дунё кезар.

Сароб бўлак, ашвор бўлак.

Уйнашиб БУЛМАС

Қўлга қалам тутқазди илҳом,

Бонс бўлди бунга бир оқшом,

Меъёрида тотлиқдир таом,

Туз билан ҳеч ўйнашиб бўлмас!

Тил учиди берилмас салом,

Дўст бўлолмас қўлда биллар жом,

Дилни пора айлар ёт калом,

Сўз билан ҳеч ўйнашиб бўлмас!

Қароғига ишонар одам,

Гавҳар билан равшан бу олам,

Дийданга чўи тушмасини, ошнам,

Кўз билан ҳеч ўйнашиб бўлмас!

(Уч нуқта)

Имлода бор уч нуқта,

Эмас мавҳум, пуч нуқта.

Тушунганга ҳойнаҳой

Ҳикмат, қудрат катта.

Уч оғайин — уч нуқта,

Деманг, қадри ҳеч йўқ-да.

Тилчилардан бир сўранг,

Сирли олам, куч — нуқта.

Нуқталар керак гада,

Уч ботир турсин сафда.

Дилда шинхон дардинга

Шерик яшар ҳаётда...

Шерга қўйди уч нуқта...

Уз севгисини балчиқ айлаган —

Беҳёни вафо кечирмас.

Илҳомини сотса сўзфуруш,

Юрак, қалам, имло кечирмас.

Оқар суви ким этса макруҳ,

Ул нопокни дарё кечирмас.

Диянатин, инсофини еган —

Иймонсизни худо кечирмас!

ЮРАГИМ, СЕВГИМ БУЛ,

ЗАМОН БУЛ!

Гўзаллик қутқарар

Ажратар ахшию ёмонни,

Евузлик қақшатар замонни,

Ҳалоллик англатар инсонни,

Юрагим, кўзини бўл,

замон бўл!

Субҳидам элчиси шабнамдир,

Тиниқлик борлиққа налҳамдир,

Ҳаёт бор — бу дунё кўркамдир,

Оламининг ўзи ҳам одамдир,

Юрагим, жоним бўл,

жаҳон бўл!

Тириллик — ном билан,

Фарзандлар — утлу қиз билан.

Дуёни кўра бил кўз билан.

Қалбларини қамал қил сўз билан.

Юрагим, шеърим бўл,

Чулшон бўл!

Муҳаббат кўйлар дунёни,

Кўнглига журлатар навоини,

Асрайлик ифрату ҳаёни,

Етайлик қадрига вафони.

Юрагим, севгим бўл,

султон бўл!

Қўлатар тахтиндан жиноят,

Ажратар бахтиндан хўнат.

Тарк этар бор меҳр, оқибат.

Борлиғим — ҳалоллик, диянат.

Юрагим, инсоф бўл,

виждон бўл!

Олам ҳам вафолни келтирчак, —

Кўнгида тебратар беланчак,

Тонг отиб, иқболни кулажак,

Нур тўшаб, гул тутар Келажак.

Юрагим, Нарзи бўл,

Инсон бўл!

Бизнинг Ўзбекистондаги савдо
агентларимиз: "Мунис ЛТД", "Хесо ЛТД"
фирмалари ҳамда "Фриа" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни кўйидаги
манзилдан олишингиз
мумкин: Тошкент,
Катта Миробод кўчаси, 158
(Ивлев, 67),
Табани групп оф компаниз.

Телефонлар: (3712) 32-35-53,
54-06-70,
54-07-98,
55-35-49
Факс: (3712) 54-08-30
Телекс: 116416 TBANI, SU.



RICHMOND

бошқарувчиси Аббосхон,

Чекии солигингиз учун зарарлқидир!

Биз чекмайдиганларини чекишга даяват атоқчи эмасмиз. Лекин чонувчилар сифатли "РИЧМОНД" сигаретларини чекишларини хоҳлаймиз.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЯҚУЗНОВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул нотиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-
ДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир
ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлақмад РИЗАЕВ, Алек-
сандр ТЮРИКОВ (масъул нотиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИ-
РОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
780000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т.
Долнеев, навбатчи — И.
Тошев.